



**ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI
ФАВҚУЛОДДА ВАЗИЯТЛАР ВАЗИРИНИНГ
БУЙРУҒИ**



**Кичик ҳажмли кемаларни техник кўриқдан ўтказиш
Қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 19 сентябрдаги 744-сон “Аҳолини ва ҳудудларни табиий ҳамда техноген хусусиятли фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш, фуқаро муҳофазаси, шунингдек кичик ҳажмли кемалардан хавфсиз фойдаланиш соҳасида давлат назоратини олиб бориш тартиби тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида”ги қарорига мувофиқ **буюраман**:

1. Кичик ҳажмли кемаларни техник кўриқдан ўтказиш қоидалари иловага мувофиқ тасдиқлансин.
2. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан бир ой ўтгач кучга киритилади.

Вазир

Тошкент ш.,
2017 йил 27 декабрь,
530 - сон



Р. Джураев

Кичик ҳажмли кемаларни техник кўриқдан ўтказиш қоидалари

1-боб. Умумий қоидалар

1. Мазкур Қоидалар Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазири вазириликнинг Кичик ҳажмли кемалар инспекцияси (бундан буён матнда Инспекция деб юритилади) томонидан кичик ҳажмли кемаларни дастлабки, йиллик ва махсус техник кўриқдан ўтказиш тартибни белгилайди.

2. Мазкур Қоидаларда қуйидаги тушунчалар ва атамалар қўлланилади:

кВт – кичик ҳажмли кема двигателининг от кучи;

регистр тонна – кеманинг ҳажмий тонналар билан кўрсатиладиган сифими;

леер тўсиғи – очик палубали кемаларнинг икки ён томонидан қаттиқ тортилган трос тўсиғи;

фальшборт – кемани кўчириш учун мўлжалланган дастаклар;

баллер – кема рулининг айланма ўқи;

шварта – кемани боғлаш қисми;

рул пероси – бошқариш қисми;

реверс-редуктор – айланиш томонини ўзгартириб берадиган механизм.

3. Кичик ҳажмли кемаларнинг техник кўриғи Инспекциянинг ҳудудий бош инспекторлари томонидан амалга оширилади.

4. Кичик ҳажмли кемаларни техник кўриқдан ўтказишда мазкур Қоидаларнинг 1-иловасига мувофиқ тўловлар ундирилади.

Кичик ҳажмли кемаларни техник кўриқдан ўтказиш бўйича ундириладиган пул маблағлари Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазириликнинг бюджетдан ташқари фондига ўтказилади.

5. Инспекция назорати остида бўлган кемалардан фойдаланиш жараёнида хавфсизлик қоидаларига мос келмайдиган кичик ҳажмли кемалардан фойдаланиш тақиқланади.

2-боб. Кичик ҳажмли кемаларнинг техник назорати

6. Кичик ҳажмли кемаларнинг техник назорати кемалардан фойдаланиш жараёнида уларнинг техник ҳолатини назорат қилиш ҳамда дастлабки, йиллик ва махсус техник кўриқдан ўтказиш тадбирларини ўз ичига олади.

7. Жисмоний ва юридик шахсларга тегишли бўлган асосий двигателларининг қуввати 55 кВтдан (75 от кучи) ва йўловчи сифими 12 кишидан ортиқ бўлмаган кемалар, моторларнинг қуввати ва сонидан қатъи назар, осма моторли кемалар, сув мотоцикллари (гидроцикллар), юк кўтариш қобилияти 80 регистр тоннадан ортиқ бўлмаган ўзиюрмас кемалар, шишириладиган моторсиз эшкакли қайиқларнинг ҳолати бўйича техник назорат олиб борилади.

8. Дастлабки техник кўриқдан ўтказишда кеманинг юк кўтариш қобилияти ва йўловчилар сифими, двигатель сони ва рухсат этилган қуввати, елканларнинг рухсат этилган майдони, сузиш жойи (қирғоқдан узоқлашиш), кемалар сузиши мумкин бўлган тўлқин баландлиги, сув усти борти, сувга ботиши, қутқарув воситалари ва ўт ўчиргич, сигнал чироқлари ва навигация ускуналари текширилади.

Техник кўриқ якунида кемани техник кўриқдан ўтказиш бўйича мазкур Қоидаларнинг 2-иловасига мувофиқ икки нусхада далолатнома тузилади. Далолатноманинг бир нусхаси кема мулкдорига топширилади.

9. Кемадаги индивидуал қутқарув воситаларининг сони йўловчилар сифимига мувофиқ бўлиши, улар белгиланган стандартларга мос келиши ва ҳар бирига кема бортининг рақами туширилган бўлиши керак.

10. Йиллик техник кўриқдан ўтказиш давомида кеманинг асосий элементларида ўзгаришлар кузатилмаганлиги, унинг техник ҳолати ва белгиланган меъёрларга мос келадиган ускуна ва анжомларнинг мавжудлиги текширилади.

11. Дастлабки техник кўриқ кичик ҳажмли кема Инспекция томонидан рўйхатдан ўтказилишидан олдин ўтказилади.

12. Йиллик техник кўриқдан ўтказиш давомида кема тўғрисидаги маълумотлар ва кўриқдан ўтказиш натижалари моторли ва эшкакли кемаларни техник кўриқдан ўтказиш китобида қайд қилинади.

Моторли ва эшкакли кемаларни техник кўриқдан ўтказиш китоби ва уларнинг электрон маълумотлар базаси алоҳида тартибда:

моторли кемалар мазкур Қоидаларнинг 3-иловасига мувофиқ Моторли кичик ҳажмли кемаларни техник кўриқдан ўтказиш китобига;

эшкакли, елканли ва бошқа моторсиз кемалар мазкур Қоидаларнинг 4-иловасига мувофиқ Эшкакли кичик ҳажмли кемаларни техник кўриқдан ўтказиш китобига қайд этилади.

13. Кичик ҳажмли кемалар йиллик техник кўриқдан 1 мартдан 30 июнгача ўтказилади.

Техник кўриқ Инспекциянинг ҳудудий бош инспектори томонидан махсус жиҳозланган шаҳобчада ўтказилади.

Белгиланган тартибда тўловлар амалга оширилгандан сўнг кичик ҳажмли кема мулкдори ҳудудий Фавқулодда вазиятлар бошқармасига мазкур Қоидаларнинг 5-иловасига мувофиқ кичик ҳажмли кемаларни техник кўриқдан ўтказиш тўғрисида ариза билан мурожаат қилади, аризалар белгиланган тартибда ҳисобга олинади.

Ариза тақдим этилгандан сўнг техник кўриқдан ўтказиш вақти, жойи, техник кўриқдан ўтказиш шаҳобчаларининг ишини ташкиллаштириш тартиби ва кўриқни ўтказиш жадваллари тўғрисидаги маълумотлар Инспекция томонидан кема эгаларига 3 кун ичида етказилади.

14. Кичик ҳажмли кемаларни техник кўриқдан ўтказиш қоидага кўра, сувда амалга оширилади.

15. Кеманинг техник ҳолати унинг қобиғи ва устки қурилмалари, таъминловчи ва электр жиҳозлари, ёнғинга қарши муҳофазаланиши, механик қурилмалари ҳолатига алоҳида баҳо бериш йўли билан аниқланади.

Кичик ҳажмли кемалар қобикларининг техник ҳолатини баҳолаш уни ташқи кўздан кечириш ва (ёки) шикаст етказмайдиган назорат воситалари, ўлчов ускуналаридан (қалинликни ўлчаш асбоби, дефектоскоп жиҳози) фойдаланган ҳолда амалга оширилади.

16. Баҳолаш давомида қуйидагилар амалга оширилади:

поливинилхлорид, резиналанган матолар ва шунга ўхшаш материаллардан тайёрланган шишириладиган кичик ҳажмли кемалар учун:

қобикнинг герметик ҳолатини баҳолаш (шиширилган ҳолда, зарур бўлганда қобикнинг танланган қисмига совунли қоришмани ёки бошқа моддани суриш ёрдамида);

клапан тизимини кўриқдан ўтказиш ва баҳолаш (зарур бўлганда совунли ёки бошқа қоришмалар қўлланилади).

Алюминийли қотишмалар, стеклопластик, ёғоч ва шунга ўхшаш материаллардан тайёрланган, кичик ҳажмли кемалар учун:

кема қопламасининг қалинлиги, корпусининг чидамлилиги ва сув ўтказмаслиги, конструкция элементларининг ишончли ўрнатилганлиги ва лак-бўёқ қопламаси ҳолатини баҳолаш йўли билан;

кичик ҳажмли кеманинг сузиш блоклари (ҳаво яшиқлари) белгиланган параметрларга мос келиши ва уларнинг мавжудлиги текширилади.

17. Ташқи кўздан кечириш билан кеманинг қулоқлари, эшкаклари, леер тўсиқлари, фальшборт, кемани кўчириш учун мўлжалланган дастаклар, боғлаш ва лангар қурилмаларининг муҳрлари (занжирли муҳрлар) кемани бошқа кема билан хавфсиз шатакка олиш қурилмаси ҳамда бошқа элементлар орқали баҳоланади.

18. Моторли кичик ҳажмли кемаларни (катер, гидроцикл ва осма моторли қайиқлар) техник кўриқдан ўтказиш давомида қўшимча равишда қуйидагилар текширилади:

двигатель, осма қайиқ моторининг идентификация белгилари ҳақидаги маълумотларнинг маркировка ёрлиғига мослиги;

хавфсизлик боғичи мавжудлиги (двигателни авария ҳолатида тўхтатиш мосламаси), агарда у ишлаб чиқарувчи томонидан назарда тутилган бўлса;

осма моторли кеманинг ҳимоя ғилофи (қопқоқ) ва эҳтиёт сим арқонининг мавжудлиги;

мотор бўлинмасининг (унинг мавжудлигида) бутланганлиги ва изоляция қилинганлиги;

ёқилғи ва мойнинг сизиб чиқмаслиги, ёпиш жўмраги ва ёқилғи тизимида клапаннинг мавжудлиги;

сув қуйиш (чиқариш) мосламасининг ишга яроқлилиги;

масофавий бошқарув жамланмаси, бевосита баллерга ёки рул бошқарув секторига таъсир кўрсатувчи авариявий рул тизимининг ишга яроқлилиги (унинг мавжудлигида).

19. Кичик ҳажмли елканли ва елканли моторли кемаларни техник кўриқдан ўтказиш давомида қўшимча равишда текширилади:

ишлаб чиқарувчи томонидан назарда тутилган элементлар ҳолати;

барча фаолият кўрсатувчи механизмлар, мачтани тикловчи ва ётқизувчи, кўтарувчи, сигналлар, антенналарни чиқарувчи ва туширувчи механизм ва мосламаларнинг созлиги (мойланганлиги);

ишчи механизмлари чекловчи ўчиргичларнинг тўғри ишлашини;

мачтани кема қобиғига ёки устки қурилмаларига маҳкамланганлиги;

швартанинг мавжудлиги ва яшин қайтаргичнинг яроқлилиги;

рул бошқаруви жамламасининг ишга яроқлилиги.

20. Кичик ҳажмли кемадан фойдаланиш талабларига жавоб бермайдиган бир ёки бир нечта носозликлар аниқланганда, у фойдаланишга

яроқсиз деб топилади ва ундан фойдаланиш бўйича тақиқловчи носозликлар мазкур Қоидаларнинг 2-иловасига мувофиқ далолатномага киритилади.

21. Кичик ҳажмли кеманинг техник кўриқдан ўтганлиги тўғрисида кема билетига қайд қилинади ва техник кўриқни ўтказган мансабдор шахснинг имзоси билан тасдиқланади.

22. Кичик ҳажмли кема таъмирланганда, қайта жиҳозланганда, шунингдек авариядан сўнг махсус техник кўриқдан ўтказилади. Кўриқ натижалари бўйича далолатнома расмийлаштирилади ва бир нусхаси кема эгасига берилади.

23. Инспекция мансабдор шахслари қуйидаги техник носозликлар аниқланган кичик ҳажмли кемалардан фойдаланишни тақиқлаш ҳуқуқига эга:

корпуси бўйича:

кеманинг чўкиб кетишига бевосита таҳдид солувчи ёриқлар ва тешиқлар йиғиндиси, қопламада шикастланиш бўлганда;

бўлинмалар, ҳаво қутилари, сузувчи блоклар йўқ бўлганида ёки герметиклиги бузилганда.

рул қурилмаси бўйича:

рулнинг тўлиқ қайилувчанлиги (бортга нисбатан 35 градус) таъминланмаслиги, рул перосининг ёки рул мосламасининг носозлиги ва йўналтирувчи блокларнинг ва штурвал троссининг носозлиги;

двигатель, шу жумладан осма двигатель бўйича:

ёқилғи идишидан, ёқилғи шланги ва таъминот тизимидан ёқилғи оққанда;

сезиларли титраш мавжудлигида;

ўчиришдаги носозликда;

двигателнинг масофавий бошқарув тизими ишдан чиққанда;

реверс-редукторнинг енгил уланиши таъминланмаслиги, реверс кўндоғининг “олдинга”, “орқага”, “ўрта” ҳолатда турғун турмаслиги (уни ўз-ўзидан уланиши ва узилиши);

фарқловчи ёруғликларнинг талабга жавоб бермаслиги ёки носозлиги;

кема жамланмалари ва ускуналарининг кема билетига кўрсатилган меъёрга мувофиқ келмаслиги.

24. Жорий йилда дастлабки техник кўриқдан ўтган кичик ҳажмли кемалар кема мулкдорининг аризасига асосан йиллик техник кўриқдан ўтказилиши мумкин.

3-боб. Яқунловчи қоидалар

25. Мазкур Қоидалар талабларининг бузилишида айбдор бўлган шахслар конун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгарликка тортиладилар.

26. Ушбу Қоидалар Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорти агентлиги ва Савдо-саноат палатаси билан келишди.

Молия вазири

“27” ноябр 2017 йил.



Б. Ходжаев

Қишлоқ ва сув хўжалиги вазири

“27” ноябр 2017 йил.



З. Мирзаев

Ўзбекистон автомобиль
ва дарё транспорти агентлиги
бошлиғи ўринбосари



“27” ноябр 2017 йил.



Ш. Шавахобов

Савдо-саноат
палатаси раиси

“27” ноябр 2017 йил.



Д. Икрамов

Кичик ҳажмли кемаларни техник
кўриқдан ўтказиш қоидаларига
1-ИЛОВА

**Кичик ҳажмли кемаларни техник кўриқдан ўтказиш учун
тўловлар прејскуранти**

Т.р.	Хизмат тури	Тўлов миқдори
1.	Осма ва стационар двигателли кичик ҳажмли кемаларни техник кўриқдан ўтказиш	Энг кам ойлик иш ҳақининг 20 фоизи
2.	Эшкакли ва елканли кемаларнинг барча турларини, шу жумладан, шишириладиган турларини, техник кўриқдан ўтказиш	Энг кам ойлик иш ҳақининг 10 фоизи
3.	Кичик ҳажмли кемаларни таъмирдан чиқарилганда, қайта жихозланганда, авариядан кейин техник кўриқдан ўтказиш.	Энг кам ойлик иш ҳақининг 20 фоизи

**Кичик ҳажмли кемани (дастлабки, йиллик)
техник кўриқдан ўтказиш бўйича
далолатнома**

Ушбу далолатнома 20 __ йил “__” _____ тузилди.

_____ (Фавқулодда вазиятлар вазирлиги ҳудудий бошқармаси номи)

Кема мулкдори _____

_____ (фамилияси, исми ва отасининг исми ёки ташкилот номи)

Яшаш манзили (ташкилот жойлашган жой) ва телефони _____

Кўриққа тақдим этилган кема тури _____ модели _____

Тайёрланган йили _____ тайёрланган жой _____ Завод рақами _____

Корпус материали _____ узунлиги _____ м. кенглиги _____ м.

Борт баландлиги _____ м. сув усти бортининг баландлиги _____ м.

Юк қўтариш кучи _____ кг. йўловчи сиғими _____ киши.

Елканлар майдони _____ кв.м. кемани тайёрлаш усули _____

Двигатель (мотор) тури _____ миқдори _____

Қуввати _____ Завод рақами _____

Техник кўриқ давомида аниқланди:

1. Кеманинг асосий ўлчамлари _____

2. Кема сиғими _____ кг.

3. Кеманинг сувга ботган қисми _____ м.

4. Корпус ҳолати _____

(корпусни баҳолаш)

5. Рул ускунаси _____

(ҳолатини баҳолаш)

6. Лангар ва тўхташ ускуналари _____

(мавжудлиги ва ҳолати)

7. Қутқарув воситалари _____

(номи, миқдори ва ҳолати)

8. Хабар бериш ускуналари _____

(номи ва ҳолати)

9. Таъминот анжомлари тўплами _____

(талабга мослиги)

10. Юк кўтариш ва йўловчи сиғими _____ КГ. КИШИ.

11. Бардошлилиги, чўкмаслиги, сузувчанлиги _____

(ҳолатини баҳолаш)

12. Сузувчанлик заҳираси _____

(таъминланган, таъминланмаган)

13. Сув усти бортининг минимал баландлиги _____ М.

14. Ёнғинга қарши тизими _____

(тури ва тайёргарлиги)

15. Механик ускуна _____

(ҳолатини баҳолаш)

16. Максимал рухсат этилган қуввати _____

(белгиланган)

17. Елканлар ва такелаж ҳолати _____

(яроқлилиги)

18. Электр анжомлари _____

(ҳолати)

19. Радиоолоқа ва радиолокация мавжудлиги _____

(тури, маркаси ва ҳолати)

Кемага умумий хулоса _____

(яроқли, фойдаланиш тақиқланган)

Белгиланган ҳудуд ва сузиш шартлари:

Тўлқиннинг рухсат этилган баландлиги _____ М.

Қирғоқдан узоқлиги _____ М.

Двигателнинг рухсат этилган қуввати _____ от кучи.

Рухсат этилган юк кўтариш қобилияти _____ КГ.

Техник кўрикни ўтказган ходим: _____

(лавозими, Ф.И.О., имзо)

Кема мулкдори: : _____

(Ф.И.О., имзо)

Кичик ҳажмли кемаларни техник
кўриқдан ўтказиш қоидаларига
3-ИЛОВА

**Моторли кичик ҳажмли кемаларни техник
кўриқдан ўтказиш китоби**

Китобнинг ташқи тарафи, титул varaғи:

Ўзбекистон Республикаси	
Фавқулодда вазиятлар вазирлиги	
Кичик ҳажмли кемалар инспекцияси	
Моторли кичик ҳажмли кемаларни техник кўриқдан ўтказиш китоби	
_____ вилоят _____ (шаҳар) _____	
Бошланди: _____	
Тугатилди: _____	

Ички тарафи, чап томони:

Т.р.	Техник кўриқ ўтказилган сана	Кеманинг рўйхат рақами	Кема мулкдори Ф.И.О.	Кема мулкдори манзили	Кема тури	Ишлаб чиқарилган йили ва жойи	Кеманинг ишлаб чиқарилган рақами	Кема корпуси
								Материал
1	2	3	4	5	6	7	8	9

Ички тарафи, ўнг томони:

Кема корпуси (ўлчами)			Йўловчилар сиғими ва юк кўтариши қобилияти	Сузиш жойи ва сузиш шароити	Двигатель			Кема билети олинган сана ва имзо	Алоҳида қайдлар ва ҳисобдан чиқариш учун асос	Аниқланган камчилик- лар
Узунлиги м.	Кенгли- ги м.	Борт баланд- лиги м.			Тури, маркаси	Сони ва завод рақами	Умумий қуввати от кучи. (Квт)			
10	11	12	13	14	15	16	17	18	19	20

Кичик ҳажмли кемаларни техник
кўриқдан ўтказиш қоидаларига
4-ИЛОВА

**Эшқакли кичик ҳажмли кемаларни техник
кўриқдан ўтказиш китоби**

Китобнинг ташқи тарафи, титул varaғи:

Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги Кичик ҳажмли кемалар инспекцияси	
Эшқакли кичик ҳажмли кемаларни техник кўриқдан ўтказиш китоби	
_____ вилоят _____ (шаҳар) _____	
Бошланди: _____	
Тугатилди: _____	

Ички тарафи, чап томони:

Т.р.	Техник кўриқ ўтказилган сана	Кеманинг рўйхат рақами	Кема мулкдори	Кема мулкдори манзили	Кема тури	Ишлаб чиқарилган йили ва жойи	Кеманинг завод рақами	Кема корпуси
								Материал
1	2	3	4	5	6	7	8	9

Ички тарафи, ўнг томони:

Кема корпуси (ўлчами)			Йўловчилар сиғими ва юк кўтариши қобилияти	Сузиш жойи ва сузиш шароити	Кема билети олинган сана ва имзо	Алоҳида қайдлар ва ҳисобдан чиқариш учун асос	Аниқланган камчиликлар
Узунлиги, м.	Кенглиги, м.	Борт баландлиги, м.					
10	11	12	13	14	15	16	17

Кичик ҳажмли кемаларни техник
кўриқдан ўтказиш қоидаларига
5-ИЛОВА

**Кичик ҳажмли кемаларни техник кўриқдан
ўтказиш учун ариза**

Ўзбекистон Республикаси
Фавқулодда вазиятлар вазирлиги
худудий бошқармаси бошлиғига

Кичик ҳажмли кема мулкдори ҳақида маълумот:

1. _____
(жисмоний шахснинг Ф.И.О. ёки ташкилот номи)

2. _____
(жисмоний шахснинг яшаш жойи ёки ташкилотнинг юридик манзили, алоқа телефони)

3. Ариза берувчининг шахсини тасдиқловчи ҳужжат ҳақидаги маълумот (паспорт
серияси, рақами, ким томонидан қачон берилган).

Кичик ҳажмли кема ҳақидаги маълумот:

1. Рўйхатдан ўтказиш рақами _____

2. Тури (модел) _____

3. Кема билетининг серия ва рақами _____

20__ йил _____
(Ф.И.О.)

(имзо)

